

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.2020.I.16/02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УСМОНОВА ДИЁРА МАХМУД ҚИЗИ**

**УЗУМЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ**  
**ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент -2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Усмонова Диёра Махмуд кизи**

Узумчилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг  
стратегияларидан фойдаланиш..... 3

**Усмонова Диёра Махмуд кизи**

Использование маркетинговых стратегий для увеличения экспортного  
потенциала виноградарских предприятий..... 25

**Usmonova Diyora Mahmud kizi**

Using marketing strategies to increase the export potential of viticulture  
companies..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**УСМОНОВА ДИЁРА МАХМУД ҚИЗИ**

**УЗУМЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ**  
**ОШИРИШДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1131 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бежарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашходжаева Шахноза Джасуровна  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Акрамов Тохир Абдирасимович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Зоҳидов Азаматжон Аъзамович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» кунини соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-41-51; факс: (99871) 239-01-49; e-mail: [tdtu@tsue.uz](mailto:tdtu@tsue.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1095 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-41-23; e-mail: [tdtu@tsue.uz](mailto:tdtu@tsue.uz))

Диссертация автореферати 2021 йил «05» 11 кунини тарқатилди.  
(2021 йил «05» 11 даги 19 рақамли реестр баённомаси).



М.П. Эшов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Д. Мавлянова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д.

Д.Х. Суёнов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (Phd) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатларида рақобатнинг кучайиши ва глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви озиқ-овқат, шунингдек мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотлари бозорига бевосита таъсир кўрсатиб, уларни етиштириш ва экспорт салоҳиятини оширишга муҳим аҳамият қаратишни талаб этмоқда. Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилоти маълумотларига кўра, «дунё бўйича йилига 77 518,4 минг тонна узум етиштирилади. Бундай кўрсаткич Хитойда 14 842,7 минг тонна бўлиб, Хитой дунёдаги энг йирик узум етиштирувчи мамлакат ҳисобланади. Италия йилига 8201,9 минг тонна узум етиштириб, дунёда узум етиштириш бўйича 2-ўринда туради. 3-ўринни эса АҚШ эгаллаб, йилига 7 097,7 минг тонна узум етиштиради. Дунёда узум истеъмоли аҳоли жон бошига Чилида 140 кг, Италияда – 135, Испанияда – 127, Ўзбекистонда – 50, Туркияда – 49, Туркменистонда – 49, Афғонистонда – 27, Германияда – 14, Хитойда – 10, Ҳиндистонда эса 2 кг ни ташкил этади»<sup>1</sup>. Узум экспорти бўйича жаҳонда Италия, АҚШ, Испания, Франция, Туркия ва Хитой мамлакатлари етакчи ўринни эгаллайди.

Жаҳонда озиқ-овқат, жумладан мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг тадқиқотлари ва стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган изланишлар, хусусан, узумчилик маҳсулотлари экспортига йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишга тизимли ёндашиш, узумчилик соҳаси корхоналарини инновацион маркетинг стратегиялари асосида ривожлантириш, узумчилик маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, соҳада замонавий маркетинг концепцияларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Мамлакатимизда узумчиликни янада ривожлантириш, узум етиштириш, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кластер тизимини йўлга қўйиш, алкоголь бозорини тартибга солишнинг самарали механизмларини кенг жорий этган ҳолда республикани сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек, виночилик туризмини (энотуризм) ривожлантириш»<sup>2</sup>га йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Узум маҳсулотларини халқаро бозорларга чиқаришда инновацион маркетингнинг брендинг стратегиясидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. «...Олтиариқ ва Паркент узуми, Хоразм қовуни, Сурхондарё хурмоси каби машҳур

<sup>1</sup> Countries by Grape Production - AtlasBig.com

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5200-сон «Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. //Халқ сўзи, 2021 йил 29 июль.

брендларни худудий мансублиги бўйича рўйхатдан ўтказиб, халқаро бозорларда фаол тарғиб қилиш мумкин. Жаҳон бозорига чиқаётган маҳсулотларимизда Ўзбекистон овози жаранглаши керак, бренди бўлсагина маҳсулотларимиз ташқи бозорларда мустақкам ўрин эгаллай олади»<sup>3</sup>. Мазкур стратегик жиҳатдан истиқболли чора-тадбирларни самарали амалга ошириш узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда замонавий маркетинг стратегияларидан фойдаланишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239 сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини ривожлантириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5200-сон «Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Экспорт маркетинги, халқаро савдо ва халқаро маркетинг назариялари дастлаб инглиз классиклари А.Смит, Д.Рикардо, Р.Торренс ва Ж.С.Милль сингари олимларнинг тадқиқотларида шаклланган бўлса, XX асрда Э.Хекшер, П.Самуэльсон, П.Олин, Д.Мид, В.Леонтьев, Г.Хабэрлер, П.Кругман, М.Портер, М.Гилмор, Ф.Котлер, Ж.Ж.Ламбен, С.Макконнелл, М.Макдональд, Т.Левитте, Х.Хершген, С.Хант, Ж.Эванс<sup>4</sup> сингари хорижий олимларининг илмий ишларида тадқиқ қилинган ва тегишли илмий хулосалар шакллантирилган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириши чора – тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди. - // Халқ сўзи, 2020 йил 13 октябрь, 214-сон.

<sup>4</sup> Портер М. Конкуренция. – М.: Вильямс, 2000. – С.496; Krugman P. R., Obstfeld M. International Economics: Theory and Policy. – 1988; 8-е изд.: Prentice Hall, 2008. – 712 p.; Эванс Дж., Берман Б. Маркетинг / Пер. с англ. – М.: Экономика, 2007-С. 226.; Gilmor M. Problems in International Business // International Business. 2017. December, 15. 5 p.; Котлер Ф. Маркетинг от А до Я : 80 концепций, которые должен знать каждый менеджер. / Пер. с англ. –М.: Альпина Паблишер, 2018.Ламбен Ж.Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок/ Перев. с англ. под ред. В.Б. Колчанова. СПб.: Питер, 2006. - 800 с.; Макдоналд М., Данбар Я. Сегментирование рынка: Практическое руководство / Пер.с 2-го англ. изд.; Предисловие к русскому изданию д. э. и., профессора Голубкова Е. П. – М.: Дело и Сервис, 2002. – 288 с.; Дихтль Е., Хершген Х. Практический маркетинг: учеб.

МДХ мамлакатлари олимларидан И.А.Аренков, Н.В.Акканина, Г.Л.Багиев, В.М.Тарасевич, Т.П.Данько, Г.П.Бутко, А.Л.Пустуев, А.Зелепухин, И.В.Липсиц, О.А.Рябков, А.Р.Рабданов, Т.К.Абдуллаева, А.В.Смирнова, М.Сейфуллаева, А.П.Панкрухин, А.А.Хавронина, Е.А.Пономарева, Ю.А.Цыпкин, А.Н.Люкшинов, А.А.Пакунина<sup>5</sup> ва бошқалар маркетинг, агросаноат комплекси маркетинги, халқаро маркетинг усулларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратганлар.

Ўзбекистонда маркетинг, халқаро маркетинг стратегияларидан фойдаланиш масалалари А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, А.Солиев, М.С.Қосимова, А.А.Фаттахов, М.А.Икрамов, М.Юсупов, Ш.Дж.Эргашходжаева, Ф.М.Назарова, Д.Б.Парпиев, Т.А.Акрамов, Д.М.Авазходжаева., Ш.А.Ходжаева, Б.Х.Шафқаров, Э.И.Эргашев<sup>6</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган.

---

пособие / пер. с нем. Макарова А. М.: под ред. Минко И. С. – М.: Высш. шк., 1995. – 225 с; Эванс Дж., Берман Б. Маркетинг. – М.: Сирин, 2000.

<sup>5</sup> Аренов И.А. Теория и методология маркетинговых решений на принципах бенчмаркинга / Под ред. акад. Г.Л. Багиева СПб.: СПбГУЭФ. - 1998. - с. 102.; Акканина Н. В. Маркетинг в агропромышленном комплексе: учебник и практикум для академического бакалавриата. – М.: Юрайт, 2019. — 314 с.; Багиев Г.Л., Тарасевич В. М., Анн Х. Маркетинг. Серия: Учебник для вузов. Издательство: Питер, 2005 г. 736 стр.; Будрин А.Г. Методология формирования и управления взаимоотношениями предприятий на рынке на основе концепции маркетинга.

/ СПбГИЭУ. – СПб.: Издательство Политехнического университета, 2008.- 302 с.; Зелепухин А. Кооперация и интеграция агропромышленного производства // АПК: экономика, упр. ... Казанин В. Зерновое хозяйство Алтайского края / В. Казанин // АПК: экономика, упр. – 2002. – № 1. – С. 17-21.; Данько Т. П. Управление маркетингом. Серия: Высшее образование. – М.: Издательство: Инфра-М, 2010 г., 368 стр.; Бутко Г.П., Пустуев А.Л. и др. Маркетинговая деятельность агропромышленного комплекса в формате агропродовольственной программы территории. // Аграрный вестник Урала № 06 (148), 2016 г. с.89-93.; Липсиц И. В. Маркетинг-менеджмент: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. – М.: Юрайт, 2019. — 379 с.; Рабданов А.Р., Абдуллаева Т.К. Роль маркетинга в сельскохозяйственном производстве. // Электронное научное издание Вестник РГАЗУ. 2007. №2.; Управление маркетингом в АПК: учебник/ А.В.Пошатаев, Т.А.Бурцев, М.А.Кауфман и др.: под ред. А.В.Пошатаева. – М.: Изд-во РГАУ-МЕХА им. К.А.Тимирязева, 2011. – 279 с.; Рябков О.А. Сравнительный маркетинг-менеджмент: монография. /О.А.Рябков. – М.: Русайнс, 2020-136 с.; Смирнова А.В. Анализ компромиссов при формировании маркетинговой стратегии. // Первый научный конгресс студентов и аспирантов 23-24 апр. 2008 г. ИНЖЭКОН-2008: тез. докл. / редкол.: Б.М. Гепкин (отв. ред.) и др. – СПб.: СПбГИЭУ, 2007.; Сейфуллаева М. Международный маркетинг в современной экономике России. М.: Экономика, 2001.; Панкрухин А.П. Маркетинг: учеб. для студентов, обучающихся по специальности «Маркетинг» / А.П. Панкрухин; Гильдия маркетологов. – М.: Омега-Л, 2009; Хавронина А. А., Пономарева Е. А. Совершенствование маркетинговой деятельности на предприятии. //Теория и практика современной экономики. – 2021. – С. 60-63.;

<sup>6</sup> Бекмуродов А.Ш., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Дж.Стратегик маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.178 б.; Болтабоев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: ФАН, 2004. – 223-б.; Soliyev A., Buzrukxonov S. Marketing. Bozorshunoslik. Darslik. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2010. -424 b.; Юсупов М., Абдурахмонова М.М., Акбаров Н.Г. Маркетинг: ўқув қўлланма. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи, 2020; Ergashxodjaeva Sh.J., Qosimova M.S., Yusupov M.A. Marketing. Darslik. – Т.: Iqtisodiyot, 2018. - 232 б.; Эргашходжаева Ш.Ж., Солиев А., Фаттахов А., Юсупов М. Проблемы использования теоретико-методологических основ маркетинга в процессе реализации стратегий действий. <http://tsue.uz/wp-content/uploads/2019/05/39>; Ergashxodjaeva Sh.Dj. Strategik marketing. Darslik. – Т.: «Sano-standart», 2019. - 232 б.; Эргашходжаева Ш.Д. Бозор рақобати шароитида кишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. иқт. фан. док. дис. автреф. – Т. ТДИУ. 2007. – 42 б.; Авазходжаева Д. М. Развитие аграрного сектора экономики Узбекистана. // Молодой ученый. – 2017. – № 17 (151). – С. 321-323.; Ходжаева Ш. А. Совершенствование и перспективы развития агромаркетинга в Республике Узбекистан // Бюллетень науки и практики. – 2018. – № 5. – С. 380–389. Эргашев Э.И. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида боғдорчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олий учун ёзилган диссертацияси. – Т.: ТМИ, 2009.; Шавқаров Б.Х. Узум етиштириш ва уни қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлиги (Тошкент вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т.: ТИМИ, 2012.

Хусусан, Б.Х.Шафқаров узум етиштириш, уни қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, Э.И.Эргашев иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида боғдорчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш, Ш.А.Ходжаева агросектор корхоналарида маркетинг фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини ошириш муаммоларини тадқиқ қилганлар. Мазкур тадқиқот ишида узумчилик маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишда замонавий маркетинг стратегияларидан фойдаланиш хусусиятлари, тенденциялари ва асосий йўналишлари кўрсатиб берилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-161-сонли «Халқаро стандартлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий жиҳатларини асослаш;

узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш асосида узумчилик корхоналари экспорт имкониятларини баҳолаш;

Тошкент вилоятида узумчилик тармоғини ривожланишининг ҳудудий хусусиятларини тадқиқ этиш;

узумчилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш;

узумчилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш;

узум экспорт қилиш имкониятларини мамлакатларни сегментлаш асосида таҳлил қилиш;

Тошкент вилояти узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш асосида узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш йўллари кўрсатиб бериш;

узум экспорт қилиш имкониятларини мамлакатларни сегментлаш асосида таҳлил қилиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилояти узумчилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш жараёни олинган.



**Тадқиқотнинг предметини** узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий мушоҳада, иқтисодий таҳлил ва синтез, тизимли таҳлил, қиёсий баҳолаш, эксперт баҳолаш, SWOT таҳлил, кластер, Баласса индекси усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Европа Иттифоқи ва МДХ сегменти бўйича узум маҳсулотлари экспортида Ўзбекистоннинг рақобат позициясини узумнинг хўраки навларини етиштиришни кўпайтириш орқали оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

узумчилик корхоналари экспорти маҳсулотлари таркибидаги «Ризамат ота» нави асосидаги миллий брендни яратиш асосланган;

узумчилик корхоналарининг хорижий мамлакатларга маҳаллий узумнинг янги ҳосилдор навларини экспорт қилишда қadoқлаш технологияси ҳисобидан таннархни камайтириш орқали ташқи бозорларга чиқиш асосланган;

Тошкент вилояти узумчилик соҳаси экспортида миллий бренд ва узум навларига асосланган ҳолда хорижий мамлакатлар сегментацияси негизида 2025 йилгача ривожлантиришнинг прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган хўраки узум навларини экспорти ва рақобатбардошлигини оширишда миллий брендни шакллантиришга асосланган маркетинг коммуникациясининг WOM маркетинг, рақамли маркетинг воситаларидан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилган;

ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган фаол, инновацион, ўзаро муносабатлар, ҳудуд имижини ошириш сингари маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилган;

узум маҳсулотлари экспорти бўйича халқаро рақобатда мамлакатлар қиёсий устунлигини таққослаш асосида Ўзбекистоннинг рақобат позицияси аниқланган;

Тошкент вилояти узумчилик корхоналарининг 2025 йилгача мўлжалланган мақсадли сегментларда ўз бозор улушини ошириш ва бозорни қамраб олишга йўналтирилган прогноз кўрсаткичлари ҳисобланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан, Тошкент вилояти ҳокимиятидан олинганлиги, эксперт баҳолаш натижаларига, шунингдек, етакчи иқтисодчи олимларнинг маркетинг усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш хусусидаги илмий-назарий ёндашувларини қиёсий таҳлил қилиш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштиришга асослангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Европа Иттифоқи ва МДХ сегменти бўйича

узум маҳсулотлари экспортида Ўзбекистоннинг рақобат позициясини узумнинг хўраки навларини етиштиришни кўпайтириш орқали оширишнинг мақсадга мувофиқлиги, узумчилик корхоналари экспорти маҳсулотлари таркибидаги «Ризамат ота» нави асосидаги миллий брендни яратиш, узумчилик корхоналарининг хорижий мамлакатларга маҳаллий узумнинг ҳосилдор навларини экспорт қилишда таннархни қадоклаш технологияси ҳисобидан камайтириш орқали ташқи бозорларга чиқиш йўллари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштиришда кластер усулидан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги, Тошкент вилояти узумчилик соҳаси экспортида миллий бренд ва узум навларига асосланган ҳолда хорижий мамлакатлар сегментацияси негизида 2025 йилгача ривожлантиришнинг прогноз параметрлари ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, улардан «Халқаро маркетинг», «Стратегик маркетинг» фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Европа Иттифоқи ва МДҲ сегменти бўйича узум маҳсулотлари экспортида Ўзбекистоннинг рақобат позициясини узумнинг хўраки навларини етиштиришни кўпайтириш орқали оширишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича берилган таклиф узумни экспорт қилувчи «NOBLE ACTIVITY» ва «ZARKENT BEXZOD AGRO FRUITS» масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил

2 июндаги 05/035-2342-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан масъулияти чекланган жамиятларининг экспорт фаолиятини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

узумчилик корхоналари экспорти маҳсулотлари таркибидаги «Ризамат ота» нави асосида миллий брендни яратиш бўйича берилган таклиф узумни экспорт қилувчи «NOBLE ACTIVITY» масъулияти чекланган жамиятининг экспортини ривожлантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 2 июндаги 05/035-2342-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида масъулияти чекланган жамиятининг ташқи бозордаги улуши 3,4 фоизга ошган;

узумчилик корхоналари хорижий мамлакатларга маҳаллий узумнинг янги навларини экспорт қилишида қадоклаш технологияси ҳисобидан таннархни камайтириши орқали ташқи бозорларга чиқиш бўйича берилган таклиф узумни экспорт қилувчи «NOBLE ACTIVITY» ва «ZARKENT BEXZOD AGRO FRUITS» масъулияти чекланган жамиятларининг экспорт фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 2 июндаги 05/035-2342-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга

жорий этилиши натижасида масъулияти чекланган жамиятларнинг фойда ҳажмини 12 фоизга оширишга эришилган;

Тошкент вилояти узумчилик соҳаси экспортида миллий бренд ва узум навларига асосланган ҳолда хорижий мамлакатлар сегменти негизида 2025 йилгача ривожлантиришнинг прогноз параметрларидан Тошкент вилояти узумчилик корхоналарининг экспорт фаолиятини ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 2 июндаги 05/035-2342-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида танланган мамлакатлар сегментига нисбатан экспорт ҳажмини 5,6 фоизга оширишга эришилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 5 та халқаро ва ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 146 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Узумчилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида узумчилик корхоналари фаолиятини ривожлантиришда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий асослари, узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида узумчилик корхоналари экспортини ошириш масалалари ёритиб берилган.

Узумчилик корхоналарида маркетинг стратегиясини шакллантиришда М.Портер томонидан эътироф этилган «харажатларни пасайтиришдаги

етакчилик, дифференциациялаш, фокуслаш»<sup>7</sup> сингари маркетинг стратегиялари корхоналар рақобат устунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида маркетинг стратегиясига муаллифлик ёндашуви тавсия этилади. «Маркетинг стратегияси корхонанинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилайдиган стратегиядир»<sup>8</sup>. Маркетинг стратегиясининг бир неча турлари мавжуд: рақобатчилик, ўсиш, дифференциация, харажатлар бўйича устунлик, фокуслаш, сегментлаш, макросегментлаш, микросегментлаш, аввалдан сегментлаш, якуний сегментлаш, контрсегментлаш, гиперсегментлаш, позициялаштириш, диверсификация, товар, нарх, сотиш ва коммуникация стратегиялари.

Маркетингнинг ҳудудий ривожланишдаги ўрни, роли ва стратегиялари бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Биринчи ёндашув, ҳудудий маркетингнинг «классик» ёндашуви ҳисобланиб, унда мақсадли бозорларда истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган жараёнларни лойиҳалаш муаммолари асосланади. Иккинчи ёндашув сифатида ҳудуд ривожланишининг маркетинг стратегияси сифатида ҳудуднинг ўзига хос товар ва хизматларни мақсадли бозорларга киритиш жараёнидаги муносабатлар асосланади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини энг кўп экспорт қилувчи 20 та мамлакат (топ-20) экспорт нархларининг даражаси бўйича АҚШ ва Европа мамлакатлари етакчи ўринни эгаллайди. Хусусан, худди шундай ҳолатни узум маҳсулотларида ҳам кузатиш мумкин.

2018–2021 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятини ривожлантириш концепциясида<sup>9</sup> юқори қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, ташқи бозорларни маркетингга хос ўрганиш усулини ривожлантириш, бозорларни асосий иштирокчилар билан узвий ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, ташқи бозорларда маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш ва ҳоказолар.

Маълумки, узумчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси иқтисодиётнинг сердаромад тармоқларидан ҳисобланади. Дунё бўйича етиштириладиган узумнинг асосий қисми (тахминан 62 млн.т.) ёки 83 фоизи вино тайёрлаш, 12 фоизга яқини (хўраки навлар) янгилигича истеъмол қилиш ва 5 фоизигина эса қуритиш (майиз) учун ишлатилади<sup>10</sup>. Агар бу кўрсаткичларни минтақалараро кўриб чиқсак, Осиё мамлакатларининг аксарият қисмида етиштириладиган узумнинг асосий қисми янгилигича истеъмол қилиш, алкогольсиз ичимликлар ва консерва маҳсулотлари тайёрлаш, Европа

<sup>7</sup> Жан Жак Ламбен. Менеджмент ориентированный на рынок: стратегический и операционный маркетинг. – СПб.: Питер, 2006. 34 с.

<sup>8</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>9</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Т.: «Маънавият» нашриёти, 2017. 213 б.

<sup>10</sup> Шафқаров Б.Х. Узум етиштириш ва уни қайта ишлашнинг иқтисодий самарадорлиги (Тошкент вилояти мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. 2012. 17-бет.

мамлакатларида эса ҳосилнинг асосий қисмидан вино тайёрлаш учун фойдаланилади.

Дунё мамлакатлари бўйича узум етиштиришда энг олдинги ўринларни Италия (9,7 млн. тонна), Франция (8 млн. тонна), АҚШ (6,7 млн. тонна), Испания (5,7 млн. тонна), Туркия (3,6 млн. тонна), Эрон (2,3 млн. тонна), Хитой (2,8 млн. тонна) мамлакатлари эгаллайди. Хўраки узум асосан Италия, Туркия, АҚШ, Чили, Бразилия мамлакатларида етиштирилади. Испания, Греция, Сурия, Япония, Афғонистон, Португалия, Жазоир мамлакатларида ҳам хўраки узум боғлари бирмунча ривожланган.

Жаҳон узум сектори савдосида янги ва қуритилган узум алоҳида ўрганилади. Узум ишлаб чиқаришда юқори ҳимоя сиёсатини амалга оширувчи Япония, Швейцария ва Исроил халқаро савдода экспорт билан ажралиб турувчи ва юқори нархларга эга мамлакатлар қаторига киради. Ишлаб чиқариш кўпайиши туфайли нархлар пасайиши кузатилса-да, иқлим шароити мос бўлмаган ҳолларда нархларда жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин. Ушбу маълумотларга асосланиб, жаҳон узум сектори савдоси узум ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги уларнинг рақобатдаги позицияларига бевосита боғлиқ.

Илмий тадқиқот натижаларига кўра, экспорт фаолиятида маркетинг стратегияси ишлаб чиқишда рақобатда устунликларни аниқлаш бўйича халқаро амалиётда кенг қўлланилувчи Баласса индекси моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Белгиланган қиёсий устунлик халқаро иқтисодиётда товар ёки хизматларнинг маълум бир тоифаси бўйича маълум бир мамлакатнинг нисбий устунлиги ёки камчиликларини ҳисоблаш учун қўлланилувчи индекс. Ўзбекистонда 2017 йилда ТИФ ТН-0860 код бўйича узум 42 та мамлакатга 2020 йилда мос равишда 49 та мамлакатга экспорт қилинган. Баласса индекси бўйича рақобатда нисбий устунлик 2020 йилда узум экспортида фаол улушга эга 19 та мамлакат бўйича ўтказилиши мақсадга мувофиқ. 2017 ва 2020 йиллар учун ҳисобланган Баласса индекси кўрсаткичлари бўйича Европа ва МДҲ мамлакатларининг қиёсий устунлик бўйича таққослаш натижалари 1-жадвалда акс этган.

#### 1-жадвал

### Узум экспорти бўйича рақобатда жаҳон мамлакатлари нисбий устунлигининг Баласса индекси<sup>11</sup>

Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари	2020 йилда мамлакатларнинг узум экспортидаги улуши, %	ВІ	Европа мамлакатлари	2020 йилда мамлакатларнинг узум экспортидаги улуши, %	ВІ
Ўзбекистон	1,7	22,65	Италия	7,7	2,66
Афғонистон	1,7	228,29	Нидерландия	7,7	2,39
Озарбайжон	0,01	0,05	Испания	4,4	2,41

<sup>11</sup> <https://www.trademap.org/> - маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Россия Федерацияси	0,01	0,03	Германия	0,9	0,12
Молдова Республикаси	0,2	0,10	Аргентина	0,1	0,14

ТИФ ТН-0860 коди бўйича узум экспорти бўйича рақобатда жаҳон мамлакатлар бўйича нисбий устунликнинг Баласса индекси маълумотларига кўра, энг юқори нисбий устунлик Афғонистон ҳисобланиб, кейинги ўринларни Перу ва Чили мамлакатлари эгаллаган. Ўзбекистон рақобатда нисбий устунликда 5-позицияни эгаллаган. Европа мамлакатларига нисбатан рақобатда нисбий устунликда Марказий Осиё мамлакатлари устун ҳисобланади.

Диссертациянинг «Тошкент вилояти узумчилик корхоналарининг экспортга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Тошкент вилояти узумчилик тармоғи ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари, узумчилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили, узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омиллар таҳлили ёритилган.

Тошкент вилоятининг ер майдони 15,25 минг кв.км ни ташкил этади. Тошкент вилоятида республика аҳолисининг 8,7 фоиз аҳолиси яшайди, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра аҳоли сони 2 941,9 минг кишини ташкил этиб, иқтисодиётда банд бўлган аҳоли 9,1 фоизини ташкил этади. 2019 йилда Тошкент вилоятининг ялпи ички маҳсулоти мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 9,8 фоизини ташкил этди<sup>12</sup>.

2016-2020 йиллар мобайнида мамлакатимиз жами мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида узум маҳсулотлари улуши 18,6 фоизни ташкил этган бўлса, Тошкент вилоятида мос равишда 2020 йилда 22,3 фоизни ташкил этган.

Охириги 20 йилда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 116,9 фоизга ошган. Биргина 2020 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти ҳажми 1194,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бунда узум маҳсулотлари экспорти 188,3 млн.АҚШ долларини ташкил этиб, унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши 1,2 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

**2-жадвал**  
**Ўзбекистон Республикасида 2000-2020 йилларда узум экспорти ҳолати**<sup>13</sup>  
(млн.АҚШ доллари)

Кўрсаткичлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Жами республика бўйича:	20,8	20,1	296,1	350,0	142,1	159,5	179,7	223,7	188,3
<i>шундан:</i>									

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами.-Т.: 2020,11 б.

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

<b>Тошкент вилояти</b>	<b>2,3</b>	<b>5,6</b>	<b>50,9</b>	<b>123,2</b>	<b>12,9</b>	<b>13,8</b>	<b>13,0</b>	<b>27,2</b>	<b>48,1</b>
Қозоғистон	0,0	-	3,8	78,5	9,3	8,2	7,2	14,7	19,5
Қирғизистон Республикаси	-	-	-	0,4	0,0	0,7	1,6	6,9	2,3
Россия Федерацияси	1,6	4,6	36,3	0,1	2,7	1,1	2,6	3,2	24,0
Бошқалар	0,7	1,0	10,8	44,2	0,8	3,8	1,5	2,4	2,3

2020 йилда Тошкент вилоятида узум маҳсулотлари экспорти 48,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ва 2000 йилга нисбатан қарийб 21 маротабага кўпайган. Узум экспорти Қибрай, Зангиота ва Паркент туманларида амалга оширилган бўлиб, улар томонидан мос равишда 8 767,5 тонна узум Қибрай туманига (9,3 млн.АҚШ доллари), 11487,9 тонна узум Зангиота туманига (9 млн.АҚШ доллари) ва 9 597,1 тонна узум Паркент туманига (8,2 млн. АҚШ доллари) тўғри келган.

Тошкент вилоятида тоқзорлар майдони 2020 йилда 16276 гектарни ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 2781 гектарга кўпайган, уларда 115153 тонна узум етиштирилган ва ҳосилдорлик гектарига 81,6 центнерни ташкил этган. 2020 йилда 2000 йилга нисбатан 20553 тоннага кўп узум етиштирилган. Тошкент вилоятида 2016-2020 йилларда етиштирилган узум маҳсулоти аҳоли жон бошига 20-22 кг атрофида тўғри келган.

Тошкент вилоятида узум етиштириш бўйича биринчи ўринни Паркент тумани эгаллайди. Паркент туманида тоқзорлар майдони 2000 йилда 2205 га ни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, 10320 га ни ташкил этиб, қарийб 4,7 маротабага кўпайди, ҳосилдорлик эса 1,9 мартага кўпайган. Қайта ишлаш ҳажми 38325 млн. сўмни ташкил этиб, узумни экспорти эса 26162 минг АҚШ долларини ташкил этди. Ундан 12558 минг АҚШ доллари миқдоридagi узум Россияга, 6541 минг АҚШ доллари миқдоридagi узум Қозоғистонга, 3139 минг АҚШ доллари миқдоридagi узум Қирғизистонга, бошқа мамлакатларга эса 3924 минг АҚШ доллари миқдоридagi узум экспорт қилинди.

Ўзбекистон узум экспортида Тошкент вилояти Паркент тумани ва Фарғона вилояти Олтиариқ тумани юқори улушга эга ҳисобланади. Олтиариқ тумани узумчиликка ихтисослашган туман ҳисобланади ва мустақиллик йилларида ўнлаб турдаги янги узум навлари яратилган, жумладан «Қора шахзода», «Хусайни», «Келин бармоғи», «Ризамат ота» навлари нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Ўзбекистонда «Кишмиш-қора», «Оқ хусайни», «Келин бармоқ», «Кетмонсопи», «Мерседес», «Тойфи», «Кишмиш суғдиёна», «Ризамат ота» ва бошқа навдаги хўраки узумлар етиштирилмоқда. Ташқи бозорга рақобатбардош узум маҳсулотлар билан чиқиш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этишда маркетингнинг истеъмолчига йўналтирилганлик тамойилидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирга қадар Ўзбекистонда етиштириляётган ва қайта ишланаётган мевалар бўйича 84 та мамлакат бозорлари ўзлаштирилган.

Муаллиф томонидан узумчилик корхоналарининг ташқи бозорларга чиқиши ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича маркетинг стратегияси модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Узумчилик корхоналари танлаган маркетинг стратегиясига эришиши билан бир қаторда қуйидаги вазифаларни ҳам бажариши лозим:

ўз маҳсулотларини сотишда бозорларни сегментларга ажратиш;  
 корхона маҳсулотига талабни мақсадли йўналтирилган ҳолда ўрганиш;  
 истеъмол бозорида мавжуд рақобатчиларни ўрганиш ва рақобат стратегиясини ишлаб чиқиш.

Корхонага мос келувчи рақобат стратегиясини танлаш учун унинг бозор улуши, рақобатчилари, имкониятлари ва бир қатор кўрсаткичлари асос бўлади. Корхона ўсиш потенциалига эга бўлиши учун ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, янги технологиялардан фойдаланиши ва бир қатор омиллар билан бирга рақобатчи жамиятлар ҳужумига ҳам доим тайёр туриши керак. Бунинг учун компания рақобатчилари фаолиятини доимий тарзда назорат қилиб, улар ҳақида кўпроқ маълумотлар тўплаб бориши лозим.

Мазкур йўналишдаги корхоналарнинг ривожланиш стратегияси ўз заминида корхонанинг асосий вазифалари, маркетинг соҳасидаги вазифалари ҳамда аниқ маркетинг стратегияларини яхлит ишлаб чиқилган режалаштириш жараёни эканлигини англатади. Одатда, ушбу корхоналарнинг ривожланиш жараёни стратегик режалаштириш номи билан ҳам амалиётда кенг қўлланилади. Муаллифнинг фикрича, узумчилик маҳсулотлари экспорти салоҳиятини ошириш бўйича таклиф этилган модель ижобий натижа беради.





## **1-расм. Тошкент вилояти узумчилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича маркетинг стратегияси модели<sup>14</sup>**

Узумчилик корхоналари экспорт фаолиятини амалга оширишда куйидаги ишларни бажариш тавсия этилади:

хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазмаларда иштирок этиш;  
йирик компанияларнинг илғор технологик ускуналарини жалб қилиш;  
озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи халқаро транснационал компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Ўзбекистонда 21 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади<sup>15</sup>. Уларнинг сифати ва товар хусусиятлари халқаро бозорларга мос бўлса-да, маркетинг йўқлиги, жаҳон бозоридаги ҳолат ўрганилмаслиги натижасида экспорт талабларига жавоб берувчи маҳсулотлар етиштириш амалиёти ривожланмаган. Худудларда деҳқон, қайта ишловчи ва экспортчи корхоналар ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги сабабли маҳсулот етиштирувчи деҳқон экинларини ўз билганича етиштириб, етиштирилган маҳсулотни сотиш муаммолари юзага келади. Улгуржи савдо ва экспорт қилувчи бозор субъектлари эса, мева-сабзавотларни етиштирувчилардан харид қилиш жараёнида муаммолар мавжуд. Муносабатларнинг самарасизлиги хорижлик харидорлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга салбий таъсир кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар, узумчилик корхоналари фаолиятини ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши талаб этилади.

Диссертациянинг **«Узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишда маркетинг стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида Тошкент вилояти узумчилик корхоналари экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, брендинг стратегияларидан фойдаланиш асосида узумчилик маҳсулотларини экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш, узумни хорижий мамлакатлар бозорига сегментлаш стратегиялари асосида кириб боришга қаратилган стратегик йўналишлар ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида<sup>16</sup> аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, халқаро стандартлар асосида маҳсулотларни сертификатлаш тизимини кенг жорий этиш

<sup>14</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>15</sup> Коржовов А. Мева- сабзавот кластери экспорт ҳажмини оширади. // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 4 март, 28-сон. 3-бет.


<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли Фармони.-//Халқ сўзи 2019 йил 24 октябр


ва кооперация муносабатларини ривожлантириш, мақсадли экспорт бозорларига чиқариш учун «Made in Uzbekistan» брендидан фойдаланиш асосий устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилган.

Узумнинг «Ризамат ота» нави янги мевалар бозорида яхши даромад келтиради, августдан октябрга қадар юқори нархда яхши сотилади. Экспертларнинг фикрича, унинг улуши жами хўраки узумлар орасида 7 фоизга яқинни ташкил этади. «Ризамат ота» навини миллий бренд сифатида шакллантириш учун маркетинг технологияларидан фойдаланиш талаб этилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун бренд яратиш мураккаб жараён ҳисобланади. Бироқ узумнинг «Ризамат ота» нави «Ўзбекистон меваси» сифатида Россия бозорида ўзига хос имижга эга. «Ризамат ота» узум навини брендга айлантириш орқали истеъмолни кўпайтириш, аҳоли эҳтиёжларини тўла қонли қондиришга, мазкур узум навининг нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорларда экспорт ҳажмини оширишга эришиш имконияти мавжуд.

«Ризамат ота» навидаги узумнинг экспорт ҳажмини ва рақобатбардошлигини оширишда брендни шакллантиришга асосланган маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бренд яратиш, идентификациялаш, сегментлаш, позициялаш, истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлар ва бренд архитектурасини яратиш сингари стратегик мақсадлар истеъмолчиларда ижобий тасаввурлар шаклланишига хизмат қилади.

Мева етиштириш соҳасида энг мақсадга мувофиқ брендлаш шакллари сифатида бир қатор брендинг стратегиялари шаклланмоқда. Жумладан, «Club variety» модели самарали стратегия ҳисобланади. Бунда маълум мева навлари патент билан ҳимояланади ва улар товар белгиси сифатида лицензия орқали тижоратлаштирилади. Мева етиштирувчилар лицензияланган етиштирувчилар «Club»га аъзо қилинади. «Club»га аъзо бўлганлар узумнинг «Ризамат ота» навини ўзига хос бренд идентификациялари асосида етиштирадилар ва хорижий бозорларга «Club» иштирокчилари ҳисобланган воситачилар орқали сотади. «Ризамат ота» узум навини брендга айлантириш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар 2-расмда келтирилган.





## **2-расм. Узумнинг «Ризамат ота» навини бренд сифатида шакллантириш босқичлари<sup>17</sup>**

Таклиф этилган «Ризамат ота» навидаги узумни экспортга йўналтириш ва брендини шакллантиришга самарали маркетинг коммуникация воситаларидан фойдаланиш тавсия этилади. Бренд яратиш, идентификациялаш, сегментлаш, позициялаш, истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлар ва брендлар архитектурасини яратиш сингари стратегик мақсадлар истеъмолчиларда ижобий тасаввурлар шаклланишига хизмат қилади. Узумнинг «Ризамат ота» навини бренд сифатида шакллантириш жараёнини ташкил этиш узум экспорти ҳажмини оширишдаги асосий стратегик йўналиш бўлиб ҳисобланади.

